

**Хоразм вилояти Гурлан туман ҳудудида ташқи реклама ва ахборот воситаларини
жойлаштириш ҳамда эксплуатация қилиш шартлари тўғрисида**

ХЗ/2022/Гур0001т-сонли

ШАРТНОМА

Гурлан туман

«28» январ.2022 й.

Гурлан туман ҳокимлиги (бундан буён матнда “Ваколатли орган” деб юритилади) номидан туман ҳоким Муроджон Азаматович Ачилов бир томондан ва МЧЖ UMS (кейинги ўринларда – “Реклама тарқатувчи”) номидан устав асосида иш олиб боровчи Арипов.С.Х иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, хусусан: - Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг ташқи реклама ва ахборотни жойлаштиришни белгилувчи бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя қилган ҳолда мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

Мазкур шартнома мақсадларида “Реклама тарқатувчи” деганда қонуний асосда эгалик қилувчи ва паспортда кўрсатиб ўтилган реклама воситаларини жойлаштириш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи шахс тушунилади.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома ташқи реклама ва ахборот воситаларини ўрнатиш (жойлаштириш) ва эксплуатация қилиш ҳамда ташқи реклама жойлаштириш ҳуқуқи учун йиғимни тўлаш шартлари ва тартибини белгилайди.

1.2. Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) эксплуатация қилиш, ташқи реклама жойлаштириш ҳуқуқи учун йиғимни тўлаш мазкур жараёни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланган “Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби” ҳамда тақдим этилган ташқи реклама жойлари паспорти (кейинги ўринларда- паспорт) шунингдек ушбу шартнома асосида амалга оширилади.

1.3. “Реклама тарқатувчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ ва паспорт асосида ташқи рекламани тарқатиш учун белгиланган ерда ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

1.4. Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш жойи (кейинги ўринларда - реклама жойи) унинг паспортига аниқ мувофиқликда белгиланади ва паспортнинг асл нусхаси Ваколатли органда сақланади, нусхаси эса Реклама тарқатувчига берилади.

1.5. Металл конструкцияда реклама воситаларини жойлаштириш ва эксплуатация қилиш, шунингдек бошқа ҳолларда реклама воситаси эгаси ва мулкдор ҳамда унга реклама воситасини жойлаштириш учун берилган кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс ўртасида шартнома мавжуд бўлган ҳолда Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши томонидан тасдиқланган тарифлар ҳамда имтиёзларга мувофиқ амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Реклама тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Реклама тарқатувчи ўз зиммасига реклама воситасини реклама жойига жойлаштириш ва у реклама жойига жойлаштирилиши ҳамда реклама жойининг паспортига мувофиқ бўлиши ва мазкур турдаги конструкцияларга нисбатан қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, назорат қилувчи органларнинг асосли эътирозини уйғотадиган нуқсонлар, ёмон ташқи кўринишга эга бўлмаслиги учун мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бундай вазиятлар юзага келган ҳолда Реклама тарқатувчи 3 кунлик муддат ичида барча камчиликларни бартараф этиши ва реклама воситасини тегишли ҳолатга келтириши шарт.

2.1.2. Реклама тарқатувчи рекламани жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисидаги” 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарорга асосан Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 2020-йил 04-сентябрдаги 15/58 - сонли қарорига мувофиқ амалга ошириши лозим. Мазкур шартномани расмийлаштириш мақсадида реклама жойлаштириш жойлари ҳақида буюртма (хат) орқали Ваколатли органга тақдим этади. Бунда олдиндан огоҳлантиришни таъминлаш, профилактика самарадорлигини ошириш ва қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозори субъектлари, шу жумладан “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва унинг ҳудудий филиаллари Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва (ёки) унинг ҳудудий органларидан кўриб чиқиш учун тақдим этилган реклама маълумотларнинг ғоялари, мавзулари ва эскизлари бўйича ихтиёрий равишда хулосалар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.1.3. Тумандаги қурилиш-ободонлаштириш ишлар билан боғлиқ равишда реклама воситасини муддатидан олдин (*шартномада кўзда тутилган муддатдан олдин*) демонтаж қилиш зарурати юзага келган ҳолда демонтаж қилиш пайтидан бошлаб шартнома бекор қилинади. Бундай ҳолда Реклама тарқатувчи демонтаж қилинган реклама воситасини бошқа жойга ўрнатиш юзасидан ўз тақлифлари билан Ваколатли органга мурожаат этишга ҳақли. Ваколатли орган эса ўз навбатида реклама жойининг янги техник Паспортини тайёрлаш ва келишиш ҳамда аризани имкон қадар қисқа муддатларда кўриб чиқишда ёрдам кўрсатиши лозим. Аризани кўриб чиқиш муддати 15 (ўн беш) кундан ошмаслиги лозим ва реклама жойлаштириш учун олдиндан тўланган тариф миқдори тақдим этилган янги жойдаги реклама жойи учун ҳисобга олинади.

2.1.4. Миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирлари оид ахборот ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилганда, ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун ойлик йиғим миқдори тегишли ҳокимлик қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайтирилади.

2.1.5. Мазкур шартноманинг 2.1.3., 2.1.4-бандларида кўрсатилган вазиятлар бўйича реклама воситасини ёки реклама ахборотининг ўзини демонтаж қилиш зарурати юзага келган ҳолда, Ваколатли орган кўрсатилган тадбирлар бошланишидан 5 кун аввал Реклама тарқатувчини огоҳлантиради. Реклама тарқатувчи бундай вазиятлар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат мобайнида реклама воситаси ёки реклама ахборотини демонтаж қилиши лозим.

2.1.6. Мазкур шартнома амалда бўлган даврда Реклама тарқатувчи реклама жойлаштиришнинг навбатдаги муддати тугашидан 10 (ўн) кун олдин мазкур шартномани янги муддатга расмийлаштириш истагини билдирган ҳолда ёзма мурожаат қилиши лозим ва ёзма мурожаат қилинмаган тақдирда, мазкур шартноманинг келгусидаги амал қилиш даври учун тўлов сўнги рекламани жойлаштириш давридан тегишли ёзма мурожаат олинган давргача белгиланган тарифлар бўйича ундирилади.

2.1.7. Реклама тарқатувчи аввал жойлаштирилган ҳам тижорат ва ҳам ижтимоий тусдаги реклама плакати мазмуни ўзгартирилишидан 10 кун олдин ўзгартирилган кўриниш учун барча зарур ҳужжатларни илова этган ҳолда янги буюртма тақдим этиши шарт.

2.2. Ваколатли орган ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. Ваколатли орган реклама воситаларининг техник ҳолати ва ташқи кўриниши мониторингини ўтказишга ҳақлидир. Ўрнатилган реклама воситасининг реклама жойи паспортига, мазкур турдаги конструкциялар учун белгиланган техник шартларга номувофиқлиги ва бошқа тартиббузарликлар аниқланган ҳолда, шаҳар ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти бўйича Ваколатли органи Реклама тарқатувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган чораларни қўллашни сўраб тегишли мувофиқлаштирувчи органга мурожаат қилишга, шунингдек мазкур шартномада кўзда тутилган чораларни қўллашга ҳақлидир.

2.2.2. Мазкур шартномада кўрсатилган асослар бўйича реклама воситаси ва реклама қопламасини демонтаж қилиш зарурати юзага келган ва бундай демонтаж Реклама тарқатувчи томонидан мазкур шартномада ёки тегишли хабарномада белгиланган муддатларда амалга оширилмаган ҳолда, Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чораларни кўришга ҳақлидир.

2.2.3. Реклама воситаси муддатидан олдин, тўланган жойлаштириш муддати тугамасдан аввал томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (йўллар, майдонларни реконструкция қилиш, қурилиш ёки ер ишларини амалга ошириш ва бошқа сабабларга кўра) демонтаж қилинган ҳолда, Ваколатли орган қайта ҳисоб-китоб қилиш, фойдаланилмаган давр учун суммани бошқа реклама жойи бўйича далолатнома асосида ўтказиш ёки қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

3.1. Барча тўловлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисидаги” 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарорга асосан Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 2020-йил 04-сентябрдаги 15/58 -сонли қарори талабларига асосан тарифлар бўйича ҳисобланади.

3.2. **01.01.2022 дан 31.12.2022 гача бўлган даврда ташқи реклама воситаларини жойлаштириш учун тўловлар қуйидаги жадвалга асосан амалга оширилади:**

№	Реклама қурилма	Томон	Ҳажм	Тариф 1м2	Бир ойга тўлов (сўм)	Реклама муддати	Жами (сўм)
1	№03/50 Гурлан тумани мўлжал: Тўқимачилик фабрикаси	А/Б	Биллборд 3x6 м	3840	138 240	01.01.2022- 31.12.2022	1 658 880
	Жами		36м2				1 658 880

3.3. Шартноманинг умумий суммаси: **1 658 880 (Бир миллион олти юз эллик саккиз минг саккиз юз саксон)** сўмни ташкил қилади.

3.4. Мазкур шартномада кўзда тутилган юқоридаги жадвалда кўрсатилган тўлов “Реклама тарқатувчи” томонидан қуйидаги тартибда тўланади.

Ҳар бир жой учун йиғим ташқи реклама объекти (конструкцияси) майдонидан келиб чиқиб, унда реклама жойлашганидан қатъи назар, реклама жойининг паспортида кўрсатиб ўтилган жой учун белгиланган тарифлар бўйича ҳар ойда ҳисобот ойининг 25-кунига қадар тўланади.

3.5. Агар қайта ҳисоблаш натижасида реклама жойлаштиришнинг ўтмаган даври учун қайтарилиши лозим бўлган сумма ҳосил бўлса, Ваколатли орган Реклама тарқатувчининг розилиги билан кўрсатилган суммани бўнак сифатида кейинги тўловлар ҳисобига ўтказлади.

3.6. Мазкур шартнома бўйича тулов миқдори Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида ташқи реклама воситаларини жойлаштириш ҳуқуқини беришнинг бошқача нархлари урнатилиши билан боғлиқ равишда Ваколатли орган томонидан бир томонлама тартибда узгартирилиши мумкин. Бунда нархлар узгаришигача тулик киритилган тулов, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида бошқача тартиб кузда тутилган булмаса, қайта ҳисобланмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни бузиш, шунингдек Реклама воситаси туфайли фуқароларга, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига етказилган зарар учун жавобгарлик амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ Реклама тарқатувчи зиммасига юклатилади.

4.2. Мазкур шартномада кўрсатилган асослар бўйича реклама воситасини демонтаж қилиш зарур бўлган ҳолларда Реклама тарқатувчи демонтаж, транспортировка, сақлаш, утилизация қилиш, шунингдек реклама жойини аввалги ҳолатига тиклаш билан боғлиқ барча ишларни тўлиқ ҳажмда ўз ҳисобидан амалга оширади.

4.3. Реклама воситаси, унинг эгаси-Реклама тарқатувчи томонидан бошқа шахсларга фойдаланишга берилган (*ижара шартномаси асосида, бепул ва ҳ.к.*) ҳолда, Реклама тарқатувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари мос равишда реклама воситасининг янги эгасига ҳам тегишли бўлади, Реклама тарқатувчи бу ҳақда учинчи шахсни у билан тузиладиган шартнома орқали аввалдан огоҳлантириши лозим.

4.4. Тўлов 90 (тўқсон) кундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, **Ваколатли орган** мазкур шартномани бир томонлама тартибда бекор қилинган деб ҳисоблашга ҳақлидир, бу ҳақда Реклама тарқатувчига хабар қилинади.

4.5. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишлича бажарилмаган ҳолда айбдор томон бошқа томоннинг талаби бўйича мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда, мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда эса Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ миқдорда жарима тўлайди.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонларнинг бирида мазкур шартномани тўлиқ ёки қисман бажаришга тўсқинлик қилувчи вазият, яъни ёнғин, табиий офат, уруш, амалдаги қонунчилик ўзгариши ва томонларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар юзага келган ҳолда мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажариш муддатларига форс-мажор вазиятларининг муддати қўшилади. Мазкур шартноманинг бошқа бўлимларида оқибатлари тўғрисида махсус келишилган вазиятлар форс-мажор вазиятларига қирмайди.

5.2. Агар форс-мажор вазиятлари 3 ойдан ортиқ давом этса, Томонларнинг ҳар бири мазкур шартномага доир мажбуриятларни бажаришни давом эттиришдан бош тортишга ҳақлидир, бунда ҳеч қайси томон форс-мажор вазиятларида юзага келган зарарни қоплашни иккинчи томондан талаб қилишга ҳақли эмас.

5.3. Томонлар форс-мажор вазиятлари сабабли юзага келган оқибатлар учун мазкур шартнома бўйича ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайди.

5.4. Шартномага доир мажбуриятларини форс-мажор вазиятлари сабабли бажара олмаган томон иккинчи томонни ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилаётган форс-мажор вазиятлари тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши лозим. Хабарнома шартномада қайд этилган юридик манзилга юборилади ва уни етказиб берувчи почта бўлими томонидан тасдиқланади.

6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома томонларнинг ўзаро розилиги бўйича, шунингдек унда кўрсатилган ва томонларга буни бир томонлама тартибда амалга ошириш имконини берадиган ҳолатларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

6.2. Ваколатли орган қуйидаги ҳолатларда мазкур шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақлидир:

а) тўлов мазкур шартномада кўзда тутилган муддатда амалга оширилмаган ҳолда, агар тўловни кечиктириш 90 (тўқсон) иш кунидан ортса;

б) Реклама воситасининг паспорт ва (ёки) мазкур турдаги конструкциялар учун белгиланган техник шартларга номувофиқлигини бартараф этиш кўрсатмасининг бажарилмаслиги;

с) Реклама тарқатувчи ташқи рекламани жойлаштириш тўғрисидаги қонунчилик талабларини ёки реклама воситасидан фойдаланиш шартларини кўпол равишда бузган ҳолда келишувчи ташкилотнинг илтимосномаси, Ваколатли орган қарори мавжуд бўлган ҳолда;

д) d) Реклама воситасидан мазкур реклама жойида келгусида фойдаланишга тўсқинлик қилувчи объектив вазиятлар юзага келган (шаҳарсозлик вазияти ўзгариши, шаҳар объектларини таъмирлаш ёки реконструкция қилиш ишларини ўтказиш, йўл ҳаракатининг ташкил этилиши ўзгариши, реконструкция, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши ва ҳ.к. билан боғлиқ равишда) ҳолда реклама жойи паспортининг бекор қилиниши, келишувчи ташкилотнинг аввал берилган рухсатномани қайтариб олиши, Ваколатли орган қарори мавжуд бўлган ҳолда.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди ва Томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва Томонларнинг 01.01.2022 й.дан вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилиши тўғрисида келишиб олдилар.

7.2. Мазкур шартнома ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун тўловни амалга оширишга асос ҳисобланади.

7.3. Агар шартнома Реклама тарқатувчи томонидан имзоланмаса ва шартноманинг 2-нусхаси у Реклама тарқатувчига тақдим этилган кундан бошлаб 20 кун ичида Ваколатли органга қайтарилмаса, шартнома тузилмаган деб ҳисобланади ва бу ҳақда Реклама тарқатувчи огоҳлантирилиб, Ваколатли органнинг қарорига асосан Реклама тарқатувчи мазкур реклама жойида ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

7.4. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, томонлар уларни кўнгилли равишда ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар. Низоли масалаларни тинч йўл билан тартибга солиш имкони бўлмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибда кўриб чиқишга топширилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“Ваколатли орган”

Гурлан туман ҳокимлиги
Манзил: Гурлан туман Мустақиллик 4
Х/р 23402000300100001010
ш/х.р:4014 2286 0633 2083 4222 95018
Банк: Ўз.Рес.Мар.банк ХККМ
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ОКЭД: 84112 ИНН: 201 137 677
Тел/Факс : 62 36-54-319, 36-51-216
Қ.Қ.С. тўловчининг регистрация коди:

“Реклама тартақувчи”

“UMS” МЧЖ
Манзил: Тошкент ш. А.Темур 24
Х/р: 2021 4000 3003 8198 4001
Банк: “Алоқабанк” МФО: 00401
ОКЭД: 61200
СТИР: 303 020 732
Тел. (97) 403-80-79
Қ.Қ.С. тўловчининг регистрация коди:
326030005463



Рахбар: _____ М.Ачилов



Рахбар: _____

ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЕНЕРАЛЬНОГО ДИРЕКТОРА
ПО МАРКЕТИНГУ И ПРОЛАЖАМ
УМС А.А.О.
ПО ДОВЕРЕННОСТИ
№0457/21 ОТ 30.12.2021